

чигирткасимонларга қарши яйловларда 10-15 дона/м² да, қишлоқ хўжалиги экинлари яқини ёки орасида бўлса эса 2-5 дона/м² да ташкил этганда кимёвий қарши кураш ишларини олиб бориш тавсия этилади.

Зарарли чигирткасимонларга қарши кимёвий курашда ҳозирги кунда дунё миқёсида, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам кимёвий кураш усули энг мақбул усул бўлиб қолмоқда. Чигирткасимонларга қарши тавсия этилган замонавий препаратлар. Жумладан: Лямбда-цигалотрин (Далате плюс 10% эм.к. 0,1-0,125 л/га, Лямбда 10% эм.к. -0,1-0,125 л/га,

Киллер Нео 10% эм.к. 0,1-0,125 л/га, Атилла супер 10% эм.к. -0,1-0,125 л/га, Гунсяо супер 20% эм.к. -0,0375-0,0625 л/га, Караче 10% эм.к. -0,1-0,125 л/га), Альфа-циперметрин асосли (Алпак, 10% эм.к. -0,1 л/га, Фаскорд 10% эм.к. -0,1-0,125 л/га), Циперметрин асосли (Энтометрин 25% эм.к. -0,15-0,35 л/га), Дифлубензурон асосли (Дифуз 48% сус.к. -0,03 л/га), Имидаклоприд асосли (Индиго эм.к. -0,03-0,05 л/га, Неоклоприд 35% эм.к. -0,04-0,08 л/га, Энтолучо 20% эм.к. -0,075 л/га, Багира 20% с.э.к. 0,075 л/га, Химидор 60% сус.к. -0,035 л/га) инсектицидларни тавсия этилади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Гаппоров Ф.А. ва бошқалар. "Ўзбекистон ҳудудларида тўғри қанотлилар туркумига кирувчи зарарли чигиртка ва чигирткасимонларнинг ривожланиши, ёппасига кўпайиш сабаблари, замонавий кураш чоралари". Тошкент-2008.
2. Ҳамроев И.А. Темирчаклар биоэкологиясини ўрганиш ва уларнинг зарарли турларига қарши замонавий кураш усулларини такомиллаштириш.: Автореф. дисс.... қ/х.ф.д. 06.01.11. – Тошкент, 2019. – 20 - б.

УЎТ: 63.632;632.7;

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ҒЎЗА ЎСИМЛИГИДА ТРИПСНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Хўжаев Мансур Мустафо ўғли, кичик илмий ходим,
Саттаров Асқар Бўтаёрович, б.ф.н., катта илмий ходим,
Халимов Раҳматилло Раимович, кичик илмий ходим,

Ўсимликлар карантини ва ҳимояси илмий-тадқиқот институти Сурхондарё минтақавий филиали.

Аннотация. Вилоят шароитида ғўзанинг Г.барбадензе ва Г. Хирзитум маданий турларига мансуб ингичка ва ўрта толали, шунингдек, Хитой давлатидан келтирилган Хинлузео-52 навларида трипснинг тарқалиши ва зичлигидаги ўзгаришларни аниқ билиш мақсадида мониторинг ишлари ғўзанинг чинбарглик фазаси бўйича олиб борилган.

Калим сўзлар: трипс, ғўза, Хинлузео-52, Бешқахрамон, Термиз-202, зараркунанда.

Аннотация. С целью четкого понимания изменений в распространении и плотности трипсов в тонких и средних волокнах культурных видов хлопчатника G. Barbadense и G. Hirzitung, а также сорта Xinluzao-52, завезенного из Китая, были проведены мониторинговые работы. в регионе осуществляется согласно этапу.

Ключевые слова: трипсы, хлопчатник, Хинлузео-52, Бешкахрамон, Термиз-202, вредитель.

Abstract. In order to clearly understand the changes in the distribution and density of thrips in thin and medium fibers belonging to the G. Barbadense and G. Hirzitung cultural species of cotton, as well as Xinluzao-52 varieties imported from China, monitoring works were carried out in the region. carried out according to the phase.

Keywords: thrips, cotton, Hinluzao-52, Beshkhahramon, Termiz-202, pest.

Кириш. Бугунги кунда ўсимликлар оламида қишлоқ хўжалиги экинларини зарарли организмлардан ҳимоя қилиш юқори ҳосил олиш гаровидир. Жумладан, мамлакатимиз аграр тармоғида ғўза асосий экинлардан ҳисобланиб, бир неча турдаги зарарли организмлар билан зарарланади. Шулардан бири тамаки трипсидир. Умуман олганда қишлоқ хўжалиги экинларининг зарарли организмларига қарши юқори самарали кураш чора тадбирларини ишлаб чиқишнинг асоси бўлиб зараркунанданинг биологияси, ҳаёт кечириши тўғрисидаги билимга эга бўлиш ҳамда шу асосида ҳимоя тадбирларини ўтказишнинг энг оптимал муддатларини белгилаш ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, қисқача тамаки трипси ҳақида.

Трипслар ҳошия қанотлилар ёки трипслар (terebrantia) туркумига ва thripidae оиласига мансуб.

Ғўзани 3 та трипс тури шикастлайди. Trips tabaci Ling-тамаки трипси, Th. gossypii Jakh - ғўза трипси, Anaphotrips schirabudinsis Jakh - шира-будин трипси. Булар ичида тамаки трипси кенг тарқалган бўлиб, зарари бошқа турларга нисбатан

кучлироқдир [3].

Тамаки трипси – Trips tabaci Lind. Ғўза ниҳолларининг ёш барглари ва ўсув нуқталарига жойлашиб олади ва санчиб сўриб шикастлайди [2]. Бу зараркунанда ғўзадан ташқари тамаки, пиёз, карам, помидор картошкага ҳам кучли зарар беради [1].

Ҳаёт кечириши. Тамаки трипси ер юзасига тўкилган барглар ва ўсимлик қолдиқлари остида етук зот ҳолатида қишлайди, баъзида эса нимфалари ёки личинкалари ҳам қишлаши мумкин [4]. Урғочиси бир ойча яшайди ва шу вақт мобайнида ўсимлик тўқималарида 100 тагача тухум қўяди. Тухумлардан 3-4 кундан сўнг личинка чиқиб, асосан барг томири бўйлаб озиқлана бошлайди. Зарарланган баргларининг остки томони ўзига хос равишда қумушсимон ялтираб қолади. Ўсув нуқтаси ўлгач ўсимликнинг меъёрида ривожланиши издан чиқади, баъзан ёш ўсимлик нобуд бўлади.

Личинкаси тўрт марта туллагач етук зотга айланади. Ўзбекистон шароитида трипс зараркунандаси 7-8 марта авлод бериб ривожланади [2].

Сурхондарё вилояти шароитида ғўзанинг чинбарглик фазасида трипс зараркунандасининг тарқалиши ва зичлиги.
Сурхондарё вилояти, 2024-йил

Ривож- ланиш фазалари	Ѓўза тури ва навлари	Намуна сони	Ўрганилган ўсимлик сони, дона	Зарарланган ўсимлик сони, дона	1 тул ўсимлик- даги барглр сони, дона	Зарарланган барглр сони, дона	Барглрининг зарарланиши, %	Битта баргдаги ўртача трипс сони, дона
Чинбарг Май 1-10	Ўрта толали “Бешқахрамон” нави	5	50	50	3,2	3,2	100	8,3
	Ингичка толали “Термиз-202” нави	5	50	50	3,9	3,9	100	7,9
	Хинлузао (Хитой) Термиз	5	50	50	3,2	3,2	100	6,9
	Хинлузао (Хитой) Шеробод	5	50	50	4,3	4,3	100	6,3
	Хинлузао (Хитой) Денов	5	50	50	4,7	4,7	100	5,7
Чинбарг Май 11-20	Ўрта толали “Бешқахрамон” нави	5	50	50	4,9	4,9	100	9,3
	Ингичка толали “Термиз-202” нави	5	50	50	4,2	4,2	100	5,9
	Хинлузао (Хитой) Термиз	5	50	50	5,1	5,1	100	5,6
	Хинлузао (Хитой) Шеробод	5	50	50	4,4	4,4	100	5,4
	Хинлузао (Хитой) Денов	5	50	50	5,6	5,6	100	6,1
Чинбарг Май 21-30	Ўрта толали “Бешқахрамон” нави	5	50	50	5,4	5,4	100	6,4
	Ингичка толали “Термиз-202” нави	5	50	50	5,1	5,1	100	6,1
	Хинлузао (Хитой) Термиз	5	50	50	4,9	4,9	100	5,1
	Хинлузао (Хитой) Шеробод	5	50	50	4,8	4,8	100	5,0
	Хинлузао (Хитой) Денов	5	50	50	5,3	5,3	100	4,9

Тадқиқот материаллари ва услублари. Ѓўзада трипс зараркунандасининг ривожланишини мониторинг қилишда ҳисоб китоб ишлари Ўзбекистон ўсимликларни ҳимоя қилиш илмий тадқиқот институти олимлари Ш.С.Муҳаммадалиев, Б.А.Сулаймонов, М.И.Рашидовлар (2002) томонидан тақлиф этилган усуллар асосида олиб борилди.

Бунда ўзгарувчан 5 та намунанинг ҳар биридан 10 тадан, жами 50 та ўсимлик ва ундаги барча барглрнинг зарарланганлик даражаси ҳамда битта баргдаги трипс сони ўрганиш усулида амалга оширилди. Намуналар дала четидан 1,10,20,30, ва 40 м. узоқликда танлаб олиниб улардаги жами барглр сони, зарарланиш даражалари ва битта баргдаги трипс сони ҳисоблаб борилди.

Бунда ғўзанинг униб чиқиб, ниҳоллик давридаёқ уруғпалла ва ўсув нуқталарида кузатилди. Дастлабки чин барг чиқариш ва кейинг навбатдаги чинбарглр ҳосил бўлиш жараёнида ҳар бир тур ўсимликдаги барг ёш барглр трипс зараркунандаси билан зарарланганлиги кузатилди (жадвал).

Трипс зараркунандаси ғўзанинг чинбарг, шоналаш, гуллаш, кўсак ҳосил қилиш фазаларида ҳам зарар беришини кузатишимиз мумкин. Бугунги кунда ғўзанинг чинбарг даврида зараркунандалардан ҳимоя қилиш кўчатлар сони тўлиқ ривожланишида ҳамда, мўл ҳосил олишда муҳим. Шу сабабли

зараркунандага қарши тўғри курашишда ўсимликда доимий мониторинг ишларини ўтказиб боришни талаб этилади. Шу нуқтаи назардан вилоят шароитида ғўзанинг *G.Barbadense* ва *G. Hirsutum* маданий турларига мансуб ингичка ва ўрта толали ҳамда, Хитой давлатидан келтирилган Хинлузао-52 навларида трипснинг тарқалиши ва зичлигидаги ўзгаришларни аниқ билиш мақсадида мониторинг ишлари ғўзанинг чинбарг фазаси бўйича олиб борилди.

Тадқиқотлар вилоятнинг Термиз, Ангор, Шеробод ва Денов туманларида олиб борилди. Маҳаллий навлардан ўрта толали “Бешқахрамон”, ингичка толали “Термиз- 202” нави ўрганилди.

Натижалар ва мунозара. Ѓўзанинг ниҳоллик, яъни чинбарг фазасида мониторинг қилинган 5 та навда ҳам трипснинг тарқалиши кузатилди. Май ойининг биринчи декадасидан зараркунанданинг сони бироз ортиб борган бўлса-да, учинчи декадага бориб уларнинг сони камайиб бориши кузатилди. Нисбатан трипс сони кўпроқ тарқалган май ойининг иккинчи декадасида ўрта толали маҳаллий навларда битта баргдаги трипснинг ўртача сони 9,3 донани, ингичка толали навда 8,0 донани, Хитойдан келтирилган ғўза навида 6,9-4,9 донани ташкил этди. Трипснинг сони маҳаллий навларда нисбатан кўпроқ бўлсада, кескин фарқ қайд этилмади.

Хулоса қилиб айтганда, маҳаллий ўрта толали, ингичка толали ва Хитой давлатидан келтирилган ғўза навларида вилоят аграбиоценозида хавфлилик даражаси юқори бўлган

трипс зараркунандаси билан зарарланишида кескин тафовут кузатилмади.

АДАБИЁТЛАР:

1. Алимўхаммедов С., Хўжаев. Ш., Ғўза зараркунандалари ва уларга қарши кураш. – Тошкент: Меҳнат, 1991.- 6-83.
2. Хўжаев Ш.Т., Сулаймонов О.А. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизимининг асослари. – Тошкент. - 2019. – 376 б.
3. Яхонтов В.В. Ўрта Осиё Қишлоқ Хўжалиги ўсимликлари ҳамда маҳсулотларининг зараркунандалари ва уларга қарши кураш. -Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1962. - 693 б.
4. Мухаммадалиев Ш.С., Сулаймонов Б.А., Рашидов М.И Екинлар зарарли организмлари ривожланиши ва тарқалишининг башорати. Тошкент “Ўқитувчи”. 2002 й.

УЎТ: 632.782+634.1

УРУҒ МЕВАЛИ БОҒЛАРДА УЧРОВЧИ ОЛМА ВА МЕВА КУЯЛАРИГА ҚАРШИ ОВИПРОН ПРЕПАРАТИНИ ҚЎЛЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Усвалиев Ойбек Турғунович, катта ўқитувчи,
Тошкент давлат аграр университети.

Аннотация. Олма ва мева куяларига қарши эрта баҳорда феврал ойининг учинчи ва март ойининг биринчи декадаларида (қуртаклар ҳали барг очмасдан) Овипрон 2000 эм.к. нефт мойлари асосида тайёрланган препаратини икки хил 10,0-15,0 л/га сарф-меъёрида қўллаб кўрдик. Препарат қўлланилгунгача ўртача 1,5 м шохдаги уялар сони аниқлаб олинди.

Калит сўзлар: олма ва мева куяси, биологияси, фенология, овипрон 2000 эм.к, агробиоценоз, турли гуруҳ, турли-хил.

Аннотация. Против яблоневой и плодовой моли использовали препарат Овипрон 2000 к.э., на основе нефтяных масел в двух разных нормах расхода 10,0-15,0 л/га. Перед применением препарата определяли среднее количество вредителей на 1,5 м ветки.

Ключевые слова: биология яблонной и плодовой моли, фенология развития, Овипрон 2000 к.э., агробиоценоз, различные группы, разные виды.

Abstract. The drug Ovipron 2000 ke, based on petroleum oils, was used against apple and fruit moths at two different application rates of 10.0-15.0 l/ha. Before using the drug, the average number of pests per 1.5 m branch was determined.

Keywords: biology of apple and fruit moths, phenology development, Ovipron 2000 k.e., agrobiocenosis, different groups, different species.

Кириш. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш стратегиясида қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш салоҳиятини янада ошириш, қишлоқ хўжалигига рақамли технологияларни кенг татбиқ этиш тўғрисида бажарилиши зарур бўлган чора-тадбирларга алоҳида тўхталиб ўтганлар.

В.Н.Корчагиннинг илмий асарларида таъкидлашича боғларда 1500 турга яқин зараркунандалар учрайди, улардан 150 тага яқини эса, асосий зараркунандалар эканлигини ва биргина куялар оиласига 60 га яқин тур киришлиги маълум қилинади. Олимлар куяларнинг *Lithocolletis corylifoliella* Haw., *Lithocolletis purifoliella* Grsm., *Stigmella matella* St., *Lyonetia clerckella* L., турлари боғларда куяларнинг популяциялари шаклла-нишида катта аҳамиятга эгалигини таъкидлаганлар [1],[2].

Тадқиқот материаллари ва услуби. Биз тадқиқотлар олиб борган ҳудудларимизда аввало тарқалган асосий куялар турлари ва уларнинг зичлигини аниқлашда В.П.Васильев ва И.З.Лившиц, О.Эшматов усулларида фойдаланган ҳолда олиб бордик.

Натижалар ва мунозара. Олма куяси (*Yponomeuta*

malinellus Zell.) – капалаклар (*Lepidoptera*) туркумига, тоғда яшовчи куялар *Yponomeutidae* оиласига мансуб, дунёнинг барча тоғли минтақаларида учрайди. Олма куяси капалаклари қанот ёзганда 16-22 мм келади, олд қанотларида кумушсимон, 3 қатор жойлашган майда қора нуқталари мавжуд. Тухуми сарғиш, овал шаклда, қуртларининг энг каттаси 13-16 мм, ранги кулранг-сарик, елка томонида 2 қатор нуқталар жойлашган. Ғумбаклари (10 мм) сарик, оқ зич пиллада жойлашади. Қуртлари тўда бўлиб яшайди, тухумидан чиққан қуртнинг узунлиги 1,3-1,6 мм бўлиб, оч сарик тусда, оёқлари қора. Қўнғир-сарғиш рангли, узунлиги 8-10 мм ва эни 2,5-2,7 мм ли ғумбаги ривожланишининг охирида қора тусга киради. Олма куяси монофаг ҳашарот бўлиб, олмага ва камдан-кам ҳолларда раъногулдошлар оиласига мансуб бошқа дарахтларга зарар етказади. Олма куяси бир йилда битта авлод беради. Капалаклари ўртача 100 тагача тухумни тўп-тўп қилиб қўяди. Мазкур куянинг ҳаёт давомийлиги 35-40 кунни ташкил этади. Капалаклари июннинг биринчи ўн кунлигида уча бошлайди, ялпи учиш июн ўрталарига тўғри келади. Қуртлари ингичка шохлардаги қалқончалар остида қишлайди. Баҳорда гуллашдан бир ҳафта олдин озиклана